Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
23 январь
ЧОРШАНБА
№ 6
(12.538)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Иқтисодиёт



# ЎЗ ИШИДАН МАМНУН ЧЕВАРЛАР

**"Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади", деди давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида.**

Дарҳақиқат, турмуш ободлиги аҳолининг иш билан қай даражада таъминланганига бевосита боғлиқ. Маърузада таъкидланганидек, Обод турмуш йилида 970 минг кишини янгидан иш билан таъминлаш белгиланган.

Бунга эришиш учун қишлоқларга саноатни, аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноатни жадал ва кенг кўламда олиб киришга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Шунга мувофиқ, кейинги йилларда вилоятимиз туманларида саноат ишлаб чиқариши анча кенгайди. Бугун Ўрта Чирчиқ вилоятимизнинг саноати тараққий этган туманларидан бирига айланди десак муболаға бўлмайди.

"Тонг" масъулияти чекланган жамияти туман ҳамда вилоят иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган шундай корхоналардан бири. Бу ерда 43 турда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жумладан, кўрпа, тўшак, чойшаб, ёстиқ жилд каби кундалик эҳтиёжмолларига талаб катта.

– Шунингдек, корхонамизда ҳарбий хизматчилар, чегара қўшинлари таркиби ва ички ишлар ходимлари учун махсус кийимлар ҳам тикилади, – дейди уста чевар Марҳабо Тошматова. – Айни пайтда чегара қўшинлари қисмидан 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш юзасидан буюртма олганмиз. Ҳозир шу иш билан бандмиз.

**СУРАТДА:** уста чевар Марҳабо Тошматова (ўртада) ёш ишчилар даврасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Мунособат

# ИФТИХОР ВА МАСЪУЛИЯТ

**Ҳеч биримиз ўз турмушимиз ва оиламизнинг маданий-маиший шароити, фарзандларимиз иқболини мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, улкан истиқбол режаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Давлатимиз раҳбари баён этган хулосалар, тилга олинган ўсиш рақамлари, бу йил ва яқин келажакда амалга ошириладиган дастурий режаларни тинглар эканмиз, буни яна ҳам чуқур ҳис қилдик.**

Ҳаётимиз яхшиланиб, турмушимиз тобора тўкис бўлиб бораяпти. Бу фикрни тасдиқловчи мисоллар кўп. Бугун жаҳонни қора кўланкадек қамраб олган молия-иқтисодий таназзул чоғида Ўзбекистон барқарор ўсиш йўлидан бормоқда. Маърузада таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамай, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳолининг турмуш даражаси изчил юксалиб, Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

Албатта, бу жараённи сақлаб қолиш, кучайтириш ишбилармонлик муҳитини барқарорлаштириш, мамлакатимизда бизнесни юритиш, тадбиркорлик ҳаракати учун янги-янги имкониятлар ва омилларни ишга солишни тақозо этаётир. Аввало, бюджет, молия-банк тизими барқарор тус олдирилди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар бир йилда 1,3 баробар ошди. Умуман, иқтисодиётни ривожлантириш учун сарфланган капитал маблағлар, инвестициялар салмоғи сезиларли ортди. Айни пайтда "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ юкини енгиллаштириш ва статистик ҳисоботларни қисқартириш турли бўғинлардаги раҳбарлар, мутахассис ва ишбилармонлар саъй-ҳаракати кучайишига кенг йўл очиб берди.

Бугун Ўзбекистонни кўламли бунёдкорлик майдонига муқояса қилиш мумкин. Ривожланган мамлакатларнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда янги автомобилсозлик, газ-кимё, энергетика мажмуалари, йўл-транспорт ва телекоммуникациялар барпо этилмоқда. Янада мукаммал лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши кенгайтириляпти. Ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция иншооти қуриб битказилди.

Бу жараёнда вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти ҳам ортиб бораяпти. "Ангрен" махсус индустриал зонасини ташкил этишга киришилгани, айниқса, катта аҳамият касб этмоқда. Кенг миқёсдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ички ва хорижий инвесторларни ғоят қизиқтирмоқда. Шу кунларда бу ерда 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, тайёр маҳсулотлар, бутловчи ва чарм буюмлар ишлаб чиқарувчи йирик қувватлар, янги шакар заводи барпо этиляпти.

Обод турмуш йилидаги вазифаларимиз яна ҳам кўламли. Электр энергияси ҳосил қилувчи қувватларни модернизациялаш, электр энергиясини узатиш тармоқларини такомиллаштириш ва реконструкциялаш режалари, айниқса, катта. Чунончи, бу йил Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегавольтли буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида эса, қуввати 130-150 мегавольтли энергоблок барпо этилади. Янги Ангрен ва Сирдарё иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғловчи юқори кучланишли электр узатиш линиясини қуриш эса, ҳудудларни электр билан барқарор таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга вилоятимиздаги мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан тубдан янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш қизғин давом эттирилади. Натижада Олмалиқ ва Чирчиқ, Бекобод ва Янгийўл ҳамда бошқа шаҳар-туманлардаги корхоналарда жаҳон бозорида рақобатга бардошли харидоргир маҳсулотлар тури ва ҳажми кескин ошади. Инфратузилмани кенгайтириш, янги-янги хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчаларини барпо этиш шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфасинигина эмас, балки аҳолининг турмушини безайди, унга ўзгача маъно ва мазмун бағишлайди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигини янгича асосларда ривожлантириш палласига қадам қўйилди. Вилоят ва туман фермерлар кенгашлари қишлоқ мулкдорларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдаги иштирокини кескин оширишга отлантираётир.

Обод турмуш йили янги орзу-истаклар билан бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таърифлаб берилган дастурий вазифаларнинг қадам-бақадам бажарилиши бу умидларни рўёбга чиқаради, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга, дунё бозорига янада чуқур кириб боришимизга, ҳаётимизни гўзаллаштиришга, турмушимиз яна ҳам фаровон, мазмунли бўлишига хизмат қилади. Бундай истиқбол ҳар биримизда мустақил Ўзбекистонимиз учун ифтихор туйғусини кучайтиради, албатта. Лекин ғурурланиш ва фахр-ифтихор билан бирга улкан режалар шунчаки орзу бўлиб қолмаслиги учун ҳар ким ўз вазифасини алоҳида масъулият билан адо этиши, мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиши лозим.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# ВАТАН КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚ БАХТИ

**Кўҳна ва бой маданий тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, ободонлик – миллатимизга хос, қон-қонимизга сингиб кетган азалий қадрият. Тарихи камида беш минг йилдан иборат "Наврўз" байрами, ўнлаб миллий ва диний байрамларимиз, тўй ва маросимлар, ҳатто кичик бир меҳмондорчилигимиз ҳам биринчи галда ободончиликдан бошланади.**

Уч минг йиллик тарихга эга "Авесто" китобимиз, бундан минг йил муқаддам ёзилган, ўзида тўрт минг йиллик тарихимизни акс эттирувчи, кишилар завқ-шавқини қўзғаб, фикру-ўйи, орзу-умидларига мадад бериб, бутун дунё китобхонларини мафтун этиб келаётган шоир Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарида мамлакат ободлиги, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, эзгулик ва олижаноблик, озод ва обод ҳаёт ҳақида гўзал иборалар бисёр.

(Давоми 2-бетда).

# ЯНАДА ҚУЛАЙРОҚ

Республика "Ергеодезкадастр" Давлат қўмитаси ҳамда вилоят "Ер мулккадастр" хизмати давлат унитар корхонаси буйруғи билан Зангиота тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси қошида Келес филиали ташкил этилди.

Эндиликда ер тузиш ва кадастр хизмати бўйича туман марказидан анча узоқ бўлган Эшонгузар қўрғонига боришга ҳожат қолмади.

**Ўз мухбиримиз.**

Қишлоқ мулкдорлари

# БУРЧ ОЛҒА УНДАЙДИ

**Чинакам фермер фақат ўзини ўйламайди. Қишлоғидаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан ҳам бохабар бўлиб туради. Юртимиз аҳолисининг ризқи мўл, дастурхони тўкин бўлишини кўп жиҳатдан деҳқон ва фермерларимиз меҳнати билан боғлашимизнинг сабаби шунда. Қувонарлиси шуки, бугун юрт тақдири, Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган фермерлар кўп. Улар орасида чинозлик Улуғбек Эрматов ҳам бор.**

– Ота-боболарим деҳқон бўлишган. Ижарага ер олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришган, – дейди Улуғбек. – Улардан ўрганганларимни бугун амалда қўллаб келяпман.

Фермер хўжалигининг оёққа туриб олиш босқичлари, эришган натижалари ва келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди. "Усмонобод" фермер хўжалигига асос солиб, дастлаб 10 гектар ерда деҳқончилик қилишга киришди. У қишлоқда, деҳқон оиласида вояга етгани учун тинимсиз меҳнат қилиб, фермер хўжаликларининг экин майдонларини оптималлаштириш жараёнида ерини 147 гектарга етказди.

– Ўтган йили 50 гектар майдонга ғалла, 77 гектарга пахта экдик, – дейди фермер. – Ҳосил ҳам меҳнатимизга яраша бўлиб берди. Белгиланган 128 тонна ўрнига, биринчи теримнинг ўзидаёқ 140 тонна пахта топширдик. Умуман, пахта ва ғалладан 80 миллион сўм соф даромад олдик.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# ЖИНОЯТ ИШИ СУДГА ОШИРИЛДИ

Оҳангарон шаҳар "Янгиобод" маҳалласи фаоли Шарифа Тўйчибоева таҳририятга йўллаган аризада Увак фуқаролар йиғини ҳудудидаги Алишер қишлоғилик икки оила – Сулаймонов ҳамда Бойчаевлар хонадонлари аъзолари ўртасида йўқ ердан келиб чиққан ножўя келишмовчилик ва жанжал-тўполонлар оқибати куюнчаклик билан баён этилган эди.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи М. Исмоилов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда маълум қилинишича, Оҳангарон туман ички ишлар ходимлари Ш. Тўйчибоеванинг аризасида келтирилган ҳолатлар юзасидан суриштирув ўтказиб, Сулаймонов ҳамда Бойчаевлар оилалари аъзолари ўзаро жанжаллар жараёнида бирбирларига тан жароҳати етказганларини аниқладилар. Суд тиббий экспертизасида ҳам енгил тан жароҳати етказилгани тасдиқланди. Шу сабабли тўпланган ҳужжатларга асосан туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси Сулаймонов ҳамда Бойчаевларга нисбатан жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатлари олиб борди ва тегишли ҳужжатларни жиноят ишлари бўйича туман судига юборди.

Бу ҳақда ариза муаллифига жавоб хати йўлланди.

Маънавият

# ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ХУНУК ОҚИБАТЛАРИ

**Ўтган йилнинг сўнгги ойларида уммон орти мамлакатида мактаб ўқувчиларининг ёвузлик қурбонига айлангани бутун дунёни даҳшатга солди.**

Америка Қўшма Штатларининг Коннектикут штати Ньютаун шаҳридаги "Сэнди Хук" мактабига қурол олиб кирган 20 ёшли Адам Лэнц ўқ отиб, 20 ўқувчи ва саккиз ходимни ўлдирди. Қурбонлар орасида мактаб директори ва руҳшуноси ҳам бор.

Полиция хабарларига кўра, Адам Ленц мактабга ўқ ўтказмайдиган ҳимоя воситаси (бронжилет) кийиб, битта милтиқ ва иккита тўппонча кўтариб келган. У отган ўқлардан вафот этган болалар 6-10 ёшларда эди.

Шу воқеа муносабати билан АҚШда тўрт кунлик мотам эълон қилинди. Президент Барак Обама қурбон бўлган ўқувчиларнинг ота-оналарига ҳамдардлик билдирар экан, жумладан, шундай деди: "Сиз бу мусибатда ёлғиз эмассиз, бутун мамлакат аҳли, биз ҳам сиз билан бирга кўзёши тўкмоқдамиз".

Бегуноҳ кишиларни ўққа тутиш ҳодисаси Барак Обама президентлиги даврида тўртинчи бор такрорланди. 2009 йил январида Форт-Худ ҳарбий базасида АҚШ армияси майори ўз сафдошларига қарата ўқ узиб 13 кишини ҳалок қилган, 2011 йил январида Тусонда бўлиб ўтган отишма чоғида олти киши вафот этиб, 13 киши ярадор бўлган, 2012 йилнинг июлида Колорадо штатидаги кинотеатрлардан бирида Бэтман ҳақидаги янги фильм намойиши чоғида Жеймс Холмс исмли киши томошабинларни ўққа тутган. Натижада 12 киши ҳалок бўлган, 58 киши жароҳат олган.

Бу хунрезликлар сабабли сиёсатчилар, олим, зиёли ва жамоат вакиллари ҳукуматдан қурол-яроғ савдосини тақиқлашни талаб қилишмоқда. Бу талабда жон бор, албатта. Негаки, кутилмаганда отиб ташлашлар юз беравергани, ҳукумат аҳоли хавфсизлигини таъминлай олмагани оқибатида одамлар ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида қурол сотиб ола бошлади. "Сўнгги 20 йил ичида 16 декабрь куни жуда яхши савдо қилдик, бугун эса кечагидан ҳам унумлироқ савдо бўлади дея умид қилиб турибмиз. Бунинг сабаби, одамлар яна тўсатдан қуролланган киши бостириб келиб қолса, чорасиз қолмасликни истайди", дейди қурол-яроғ дўконларидан бирининг эгаси Карл Декхаймер. Бу гапнинг исботи шуки, Ньютаун шаҳридаги бошқа бир мактабда, бешинчи синфда ўқийдиган бир бола мактабга пистолет олиб борган. Ундан пистолетни нега олиб юрганини сўрашганида мактабга бирорта телба бостириб кирса, уни ўша заҳоти отиб ташламоқчи бўлганини айтган.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

# ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ХУНУК ОҚИБАТЛАРИ

АҚШ Конгресси 2013 йилнинг январида ўқ отувчи қуроллар олди-сотдисини тақиқлаш юзасидан қонун лойиҳасини тайёрлашини маълум қилди.

Бу масаланинг биро томони. Иккинчи жиҳати шуки, Холливуд киноюлдузи Том Круз снайпер ролини ўйнаган "Жек Ричер" фильми премьераси Ньютаун шаҳрида мактаб ўқувчилари ёппасига ўққа тутилгани сабабли кейинга қолдирилди. Чунки фильм снайпернинг ўқ отиш саҳнаси билан бошланар экан.

Шу ўринда Юртбошимизнинг: "Сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади" деган гапи ёдга тушади. Кетма-кет бўлаётган отишмаларнинг сабаби шуки, ҳар қандай фильм томошабинларнинг ундаги воқеаларни идрок қилиши ва ёшига қараб учга бўлинади: биринчиси, катта ёшдагилар. Улар фильм воқеаларининг ҳеч бир жиҳатини назардан қочирмайди, ҳар бир сюжет, персонаж, воқеа-ҳодисага ўз муносабати бўлади. Иккинчи тоифа – ёшлар. Улар ижобий қаҳрамонларга хайрихоҳлик қилади, унинг хатти-ҳаракатларини ёқлайди. Ижобий ва салбий қаҳрамон ўртасидаги зиддиятларни синчковлик билан кузатади. Учинчи тоифа – болалар. Улар фильмда нимани кўрса, уни ўша ҳолича қабул қилади. Қўлига тушган нарсани қилич ва найза қилиб, дуч келган одамни "ўлдириб" юради. Ўзини ҳақ билган одам бошқаларни ўлдираверса бўлар экан деб ўйлайди.

Ўқувчиларни ўққа тутган Адам Ленцнинг 20 ёшга тўлганини эътиборга олсак, у ҳам болалик давридан эндигина ўтган, ота билан она ажрашиб кетган, она ишда вақтида уйда ёлғиз қолиб, нима иш билан шуғулланган? Даҳшатли фильмларни кўриш билан кун ўтказган бўлса керакда. Боланинг онги шунчалар заҳарланганки, унинг онаси ўша мактабда ишлаган ва у отишни онасидан бошлаган.

Давлатимиз раҳбарининг: "Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир" деган гапи фақат давлатлар ўртасидаги муносабатга тааллуқли эмас, унинг маъноси анча кенг. Мафкура полигонлари ҳар бир давлат ичида мавжуд. Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида "кўнгилочар" ёки "сариқ матбуот" деб аталмиш телерадиоканаллар, киностудиялар, босма нашрлар бор. Бундай матбуот оммавий маданиятнинг фаол тарғиботчиси сифатида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг асосий мухолифи ўлароқ халқнинг ахлоқига зарар етказиш билан шуғулланади. Аёнки, уларнинг асосий мақсади – пул топиш. Бунинг учун одамларга қизиқарли бўлган енгил-елпи мавзулар қидирилади, нечунким, жиддийроқ нарсалар харидоргир бўлмайди.



Томошабинларнинг асосий қисми ёш авлод бўлгани боис жангари ёки муҳаббат можаролари фильм ва нашрларнинг асосий мавзуига айланган. Улар одоб-ахлоқни тарғиб этаётгандек кўринса-да, аслида беадаблик ва ахлоқсизликка ундайди. Айниқса, ёшларга ибрат сифатида тақдим этиладиган "юлдуз"ларнинг қўйди-чиқдилари, уларнинг ишқий саргузаштлари ёшларни эътиборсиз қолдирмайди...

Уммон ортида кетма-кет юз берган хунрезликлар биздан узоқда-ку, ёки бизда умуман қурол-яроғ сотилмайди, деб хотиржам бўлмаслигимиз керак. Давлатимиз раҳбари юртдошларимизни ҳушёрликка ундаб, ўтган асрнинг сўнгидаёқ бундай деган эди: "Ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай, бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа Ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс-садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсири ҳам ҳаётимизга сўраб-нетиб ўтирмай, кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шунчалар тиғиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди". Бинобарин, фильми тақдимоти бир оз кейинга сурилган Том Круз, Жон Клод Вандамм, Анжелина Жоли каби жангари киноларнинг бош қаҳрамонлари ролини ижро этувчи Ҳолливуд юлдузлари америкаликлардан кўра, биз, ривожланаётган мамлакатлар ёшлари орасида машҳур ҳисобланади.

Унутмайлик, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш миллат келажагини ҳимоя қилмоқ демакдир.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс».**

(Давоми. Боши 1-бетда).

2013 йил – Обод турмуш йили

# ВАТАН КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚ БАХТИ

Қадимги Туронда қирқ йил подшолик қилган Хушанг ҳақида шундай дейилади:

*Темирчиликни шоҳ*
*айлабон пеша,*
*Ясаб берди болта, арра ва*
*теша.*
*Сўнг чўлга дарёлар*
*сувин чиқарди,*
*Ариқ қазиб чўллар*
*сувин чиқарди.*

Буюк Амир Темурнинг: "Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг", "...хон бўлсанг-да боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат – бир кунмас-бир кун мевасини татирсан" каби даъватлари айнан ҳозирги озод, обод Ватанимизнинг ўзига хос ва мос шиорига айланиб қолганлиги қувончлидир. Сўз мулкининг султони буюк Алишер Навоий ҳам ижод билан банд бўлишларига қарамай, мамлакат ободончилигида ўчмас из қолдирганлар.

Ривоятларда келтирилишича, шоир Ҳаж сафарига тараддуд кўра бошлаганларида подшо:

– Сиз мамлакат ободончилигида Ҳажга бориб келган кишилардан кўпроқ савоб ишлар қилган мўътабар зотсиз, – деб рухсат бермайди. Ҳарчанд илтимос қилишларига қарамай, подшо розилик бермагач, Навоий:

– Бу гал сафардан мени ҳеч ким қайтара олмайди. Ҳатто сиздек азиз дўстиму юрт султони ҳам, – дейди.

– Ундай бўлса майли, мен розиман. Менинг учун ҳам зиёрат қилинг, лекин кетишингизни ҳеч ким билмасин, тунда йўлга чиқинг, – дейди подшо.

Навоий саройдан қайтиб уйга келсалар, ҳовли тўла одам. Шунда шоирнинг кекса дўсти Биноий ва бошқалар:

– Ҳазрат, сафар ихтиёрини тарк этинг. Сизсиз халқимиз забун бўлади. Ариқ қазиш, бинолар қуриш тўхтаб қолади. Элнинг боши ғалаён, тўс-тўполондан чиқмайди. Улус масжид деса, масжид солдирдингиз, мадраса деса, мадраса қурдирдингиз. Сиз бино қилдирган бу ҳаммомлар, кўприк ва ариқлар, ҳовуз ва боғроғлар, кутубхоналар Ҳаж савоби ўрнини боса олмайдими? Сиз етимларга ота, уйсизларга уй, сувсизларга сув бўлдингиз, – деб ниҳоят Алишер Навоийни Ҳажга боришни кечиктиришга кўндирадилар.

Дарҳақиқат, кўҳна тарихимизнинг қайси даврини варақламайлик, ободончилик, озод ва гўзал ҳаёт, яратувчилик ва бунёдкорлик халқимизнинг энг эзгу мақсадлари бўлиб келган.

*То ҳирсу ҳавас хирмони*
*барбод ўлмас,*
*То нафсу ҳаво қасри*
*барофтод ўлмас,*
*То зулму ситам жониға*
*бедод ўлмас,*
*Эл шод ўлмас, мамлакат*
*обод ўлмас.*

(А. Навоий).

Мозийнинг ушбу садоси мустақиллигимиз шарофати билан ҳозирги давримизнинг энг ҳаётбахш ва улуғвор садосига айлангани янада мароқлидир.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ муҳтарам Президентимиз шундай дегандилар:

– "Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир".



Шу йўлдан бориб, улкан зафарлар қозонмоқдамиз. Айниқса, ҳар бир янги йилнинг ўзига хос файзли номлар билан кириб келиши келажаги буюк давлатни барпо этишга хизмат қилмоқда.

Жаҳонга машҳур йирик саноат корхоналари, ўзгача меҳр, ўзгача завқ бахш этувчи маъмурий бинолар, спорт ва тиббиёт иншоотлари, Амир Темур хиёбони, Темурийлар музейи, Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номли кутубхона, шаҳар ва қишлоқлардаги замонавий намунали уйлар, кўприк ва темир йўллар, ҳашаматли тўйхона ва савдо шахобчалари, икки ярим мингдан ортиқ жоме масжидлари, муқаддас зиёратгоҳларни таъмирлаш, гўзал ва кўркам истироҳат боғлари буюк истиқлолимизга қалбларда меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтирмоқда.

Президентимиз таклифлари билан янги 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ҳам қалбларга қувонч бағишловчи, эзгуликларга чорловчи, мамлакатнинг янада ёркин йўллар орқали буюк келажак сари шаҳдам боришига асос бўлиб қолажак. Чунки, обод турмуш деганда аввалambор, фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизматлардаги муаммоларни ечиш, маҳаллаларни обод қилиш, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, оиладаги оғирини енгил қилиш каби энг ҳаётий муаммо ва вазифалар назарда тутилмоқда.

Албатта, бундай улуғвор вазифаларни бажариш мамлакатимизда барқарор тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни, аҳоли ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Ҳар қайси уй ва маҳаллада яшаётган одамлар тинчлик, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етса, уни мустаҳкамлаш ва ҳимоялашни ўзининг бурчи деб билса, зарарли экстремистик оқимлар таъсирига берилмай, ободончилик ишларида, тўй-маросим ва анъаналарни нишонлашда сариштaлик, тежамкорлик билан, ортиқча ҳирсу ҳавасларга берилмай, манманлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилмаса, юрт тинчлиги ва мамлакат ободлиги янада равнақ топиб бораверади.

**Эркин ҒУЛОМОВ, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув-машғулот

# САВОДХОНЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, маънавият-тарғибот бўлими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, ички ишлар бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мактаб, коллеж ва оила ҳамкорлигининг роли" мавзусида ўқув-машғулоти ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган уч юздан зиёд ўқувчи-ёшлар "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси – тараққиёт кафолати" ҳамда "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда оила ва жамоатчиликнинг роли" мавзуларидаги маърузаларни тингладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Мурувват

# МЕҲР ШУЪЛАСИДАН ЧАРОҒОН УЙ

Ота-она меҳри... Фарзандлар учун ундан-да, олий бахт бўлмаса керак. Аммо, Президентимизнинг оқилона сиёсатлари тақдир тақозоси ва турли сабаблар билан ота-она меҳридан барвақт бебаҳра қолиб, бундай аччиқ қисматга дучор бўлганларнинг кўнгли ўксишига барҳам бераётир. Уларга давлат ва меҳри дарё кишилар ғамхўрлик қилишяпти.



Бекобод туманидаги Охунбобоев қишлоғи "Сарюз" маҳалласида туғилиб, тақдирнинг аччиқ зарбаси туфайли ота-она меҳридан эрта жудо бўлган болалар – ака-сингил Аваз, Отабек ҳамда Орзигул боқувчисиз қолгач, Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйига жойлаштирилган эди.

Ҳозиргача Аваз ва Отабек Жўраевлар тоғаларининг вақтинча қарамоғида яшашди. Сингиллари Орзигул Жўраева эса Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежида таълим олиб, шу ўқув муассасасининг ётоқхонасида яшаб келаётган эди. Ота-оналаридан уй-жой, мол-мулк мерос қолмагани, бугунги кунда уй-жойга муҳтожликлари сабабли туман ҳокими Вазирлар Маҳкамасининг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Зафар шаҳарчаси "Гулистон" маҳалласи, Усмон Носир кўчасидаги 25-уйнинг 5-хонадонини Аваз, Отабек ҳамда Орзигул Жўраевларга қонунда белгиланган тартибда ижара шартномаси тузиш орқали беришга қарор қилди.

Эзгу ишга барча тенг бел боғлади. Уй таъмирланди, рўзғор буюмлари билан жиҳозланди. Бу уч хонали уй "Лотуз газ инвест" МЧЖ ҳомийлигида яшаш учун тайёрланди.

Уйни топширишга бағишланган маросимга нуроний отахон ва онахонлар, таъмирлаш ва жиҳозлашда иштирок этган ташкилот ва корхона раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шаҳарча фаоллари таклиф этилди. Бир дастурхон атрофига жам бўлган меҳмонлар болаларнинг келгуси ҳаётлари порлоқ бўлишини тилашди. Тадбирда туман ҳокими Ш. Ҳамраев болалар янги шароитда униб-ўсишлари учун жамоатчилик кўмаги ташкил этилгани, уларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилганини маълум қилди. "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини болаларнинг иш ва яшаш шароитидан бохабар бўлиб турадиган бўлди.

**Юсуф ЭРГАШЕВ.**

Қарор ва ижро



# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

**Мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 29 июлда қабул қилинган "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам ушбу ҳужжат ижроси юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхоналарда харидоргир, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилаётир.

Буни Чирчиқ шаҳридаги "Энергомаш" машинасозлик заводи мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда ушбу корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида қишлоқ ва сув, коммунал хўжаликлари, саноат ва кимё каби кўплаб соҳа ва тармоқларда кенг ишлатиладиган турли насослар ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилмоқда.

– 2012 йилда етти юзга яқин насос ва бутловчи қисмлар буюртмачиларга етказиб берилди, – дейди "Энергомаш" корхонаси директори Ғофур Қулбоев. – Жорий йилда бу борадаги кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Тегишли сифат сертификатига эга бўлган мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60-80 фоизи маҳаллийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткични янада ошириш чоралари кўрилмоқда. Корхонада цехларни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, сифати ва ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари очиш имкони яратилмоқда.

Айни кунда "Энергомаш"-да етмиш нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

– Металлга ишлов беришнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор, – дейди Чирчиқ саноат ва қурилиш касб-ҳунар коллежини тамомлаб, корхонанинг металлга ишлов бериш цехида меҳнат қилаётган Ғайрат Қодиров. – Бу ерда катта тажрибага эга ишчилардан ана шу жиҳатларни пухта ўрганишга ҳаракат қилмоқдаман. Коллежда эгаллаган мутахассислигим бўйича ишга кирганим ва доимий даромадга эга бўлганимдан хурсандман.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

Қишлоқ мулкдорлари

# БУРЧ ОЛҒА УНДАЙДИ

Экиш-тикиш ва ундан кейинги дала ишлари техникасиз бўлмаслигини яхши билган фермер ўз хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағини аямади. 4 та МТЗ-80, 2 та ТТЗ трактори, 5 та ОВХ аппарати ва 6 та тиркамага эга бўлди.

Ҳукуматимиз фермерларга яратиб бераётган имтиёзлардан фойдаланган Улуғбек 2011 йилда 147 гектар ерининг 20 гектарида ўз ҳисобидан қорамолчиликка ихтисослашган ферма ташкил этди. Ҳозир моллари 150 бошга етди. Бу билан келгусида ички бозорларни гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни режалаштиряпти.

– Отам доим: "Ерга уруғ қанчалик эрта қадалса, майсалар қиш-қировли кунлар бошлангунга қадар қалин тупласа, ҳосил ҳам эрта етилади, ҳам баракали бўлади" дердилар, – эслайди фермер. – Шунга амал қилиб, ғалла майдонларида керакли кўчат қалинлигини таъминлаяпмиз.

Улуғбек Эрматов нафақат илғор фермер, балки барчага ўрнак бўладиган саховатпешалиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар йили ғалладан бўшаган ерларни хўжалигида ишлайдиган 35 аъзодан ташқари, қишлоқдаги эҳтиёжманд оилаларга тақсимлаб беради. Улар далада рўзғорларига ярайдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб олишади.

У. Эрматов "Ташаббус – 2012" кўрик-танловининг туман босқичида биринчи, вилоят миқёсида учинчи ўринни эгаллади. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмай, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришни ният қилган фермер суҳбат сўнгида шундай деди:

– Ерни мард бўлиб олдикми, зиммамиздаги бурчни адо этиш учун масъулият билан ишлаймиз.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Диққат, танлов!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VШ Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартидан 2013 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исм-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни – 2013 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**
**www.Journalist.uz.**

## Саломат бўлинг

**Ҳозирги кунда республикада грипп ва бошқа ўткир респиратор вирус касалликлари бўйича эпидемиологик барқарорлик сақланиб турибди. Лекин аҳоли миграциясининг кўпайиши, бошқа давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кундан-кунга ўсиши грипп касаллигини республикамиз, жумладан вилоятимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалиши хавфини янада кучайтиради.**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ГРИПП!

Хўш, грипп ўзи қандай касаллик?

У жуда юқумли бўлиб, вақти-вақти билан тарқалиб турадиган эпидемия ва пандемиялар пайтида дунёдаги кўп мамлакатларда миллионлаб одамлар ушбу касалликка чалинади. Грипп киши танасининг барча ҳимоя воситаларини сусайтиради, юрак-қон томир ва сурункали ўпка касаллиги бор беморларнинг аҳволи оғирлашади.

Гриппни микроскопда ҳам кўринмайдиган жуда майда вирус қўзғатади. Бу вирус ташқи муҳит таъсирига чидамсиз бўлади: қуёш нури, кўпгина дизинфекцияловчи моддаларнинг кучсиз эритмалари унга ҳалокатли таъсир қилади.

Бемор аксирганда, йўталганда, гапирганда сўлак ва балғам зарралари грипп вирусларини ажратади. Бу микроблар ҳаво билан бирга соғ одамнинг нафас йўлларига тушиб, касаллик қўзғатади. Шунингдек, касаллик бемор фойдаланган буюмлар, масалан, дастрўмол, сочиқ, идиш-товоқ ва бошқа буюмлардан ҳам юқиши мумкин.

Гриппнинг яширин даври жуда қисқа, бир неча соатдан 1-2 кунгача давом этади. Касаллик тўсатдан бошланади. Дастлаб беморнинг эти увишади, кўп ўтмай, иситмаси чиқади, тана ҳарорати жуда юқори – 40°С гача кўтарилиши кузатилади. Болаларда кўпинча томир тортишади. Бош айланиши, қулоқ шанғиллаши, аъзои-баданнинг, айниқса, бел-думғаза қисмининг қақшаб оғриши, қаттиқ терлаш гриппга хос белгилардир. Бемор инжиқ бўлиб қолади, оғзи қурийди, тилни караш боғлайди, иштаҳа йўқолади, баъзан бурун қонайди.

Баъзи беморлар гриппни оёқда ўтказиб, хато қилишади. Гриппнинг оғир-енгиллигидан қатъи назар, бемор иситмаси тушгандан кейин ҳам 2-3 кун ўринда ётиши керак, айниқса, ёш болалар ва кексалар бунга қатъий амал қилишлари лозим. Грипп касаллиги қолдирадиган синусит, бронхит, пневмония, миокардит ва бошқа асоратларнинг олдини олиш учун шифокорга иложи борича эртароқ мурожаат қилиш лозим. Шунда касаллик асорат қолдирмайди ва кўп тарқалмайди.

Грипп билан оғриган беморга ёрдам кўрсатганда оғиз ва бурунга 8 қават докадан қилинган ниқоб тутиб олиш лозим. Бемор тез-тез суюқлик ичиб туриши керак, шу йўл билан танадаги зарарли моддалар чиқиб кетади. Беморга витамин "С"га бой лимонли, мурабболи чой, шунингдек, мева шарбатлари ичириш, яхши самара беради. Тўйимли, тез ҳазм бўладиган овқатлар, ҳўл мевалар ейиш, сут-қатиқ ичиб туриш тавсия этилади.

**Набижон ЖЎРАЕВ,**
**вилоят ДСЭНМ бош врач ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Москвич, д/р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 562 266 сўм. 2. 14.07.2011 й. № 7662-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз 2109, д/р. 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 2 779 969 сўм бўлган автотранспорт воситалари такрoран қўйилмоқда. "Бекобод Савдо" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 07.01.2012 й. № 9-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и/ч. Дамас, д/р. 10 X 326 FA. Бошланғич баҳоси – 20 514 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 25 февраль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 12 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич бахосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шахар, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**Гувоҳнома № 004593.**

### "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Яссавий Агросервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси. Бошланғич баҳоси – 160 819 362 сўм. 2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан, "Арганчи универсал сервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Арганчи ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 224,29 кв.м бўлган омборхона биноси. Бошланғич баҳоси – 20 030 013 сўм. 3 Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони манзилида жойлашган "Пиллакор" МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган Литер-Гдаги бостирма. Бошланғич баҳоси – 27 068 062 сўм.

Савдо 2013 йил 11 февраль куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 8 февраль куни соат 18:00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

### "SPARETRA" МЧЖда 2012 йил 20 декабрдан 2013 йил 20 январгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 24.12. | Чирчиқ шаҳар СИБ | 2009 й. и/ч. "Матиз Бест", д/р. 10 Y 671 DA | 16 000 000 | 17 050 000 |
| | | 1990 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 01 591 ECA | 7 474 224 | 8 550 000 |
| | | 1989 й. и/ч. "Зил 495810-02", д/р. 01 596 ECA | 8 233 814 | 9 500 000 |
| | | 1987 й. и/ч. "Маз 35551", д/р. 01 593 ECA | 7 028 764 | 8 150 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2006 й. и/ч. "Нексия", д/р. 10 B 355 ўA | 17 413 850 | 18 700 000 |
| | | 1983 й. и/ч. "Ваз 21013", д/р. 01 G 475 KA | 1 042 931 | 1 250 000 |
| | | 2006 й. и/ч. "Ласетти", д/р. 01 E 316 BA | 28 999 280 | 30 800 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1988 й. и/ч. "Ford", д/р.11 W 9962 | 5 257 920 | 5 750 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1984 й. и/ч. "УАЗ-452", д/р. 30 S 5374 | 819 336 | 1 050 000 |
| | | 1971 й. и/ч. "Газ 24", д/р. 10 K 3502 | 248 402 | 330 000 |
| | | 1983 й. и/ч. "Газ 24", д/р. 30 E 4651 | 555 212 | 660 000 |
| | | 1981 й. и/ч. "Газ 24", д/р. 11 M 9162 | 376 243 | 445 000 |
| | | 1976 й. и/ч. "Газ-242, д/р. 11 W 1039 | 477 867 | 540 000 |
| 03.01. 2013 | Олмалик шаҳар СИБ | 1995 й. и.ч., "Espero", д/р. 40 W 901 BA | 11 821 828,50 | 12 650 000 |
| | | 1978 й. и.ч., "Ваз 21011", д/р. 10 N 365 DA | 1 780 623 | 2 000 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1974 й. и.ч., "Ваз 2103", д/р. 11 U 5308 | 1 442 369 | 1 600 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1997 й. и.ч., "OPEL OMEGA", д/р. 01 A 201 BA | 13 497 840 | 14 325 000 |
| | Мирobод тумани СИБ | 2009 й. и/ч., "Матиз", д/р 01 877 EAA | 13 879 350 | 14 800 000 |
| 07.01. 2013 | Зангиота тумани СИБ | 2009 й. и/ч. Матиз Бест, д/р. 10 V 052 BA | 13 877 000 | 14 950 000 |
| 09.01. 2013 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 1991 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 10 AV 565 | 6 150 625 | 7 130 000 |
| | | 1991 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 10 AV 536 | 6 150 625 | 7 130 000 |
| | | 1989 й. и/ч. "ГБА Зил 495810-02", д/р. 10 AV 561 | 5 459 761 | 6 340 000 |
| | | 1991 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 10 AV 537 | 6 150 625 | 7 130 000 |
| 10.01. 2013 | Зангиота тумани СИБ | 1982 й. и/ч., "Ваз-21016", д/р. 10 G 238 BA | 2 941 433 | 3 160 000 |
| 14.01. 2013 | Қибрай тумани СИБ | "Уаз-469", д/р сиз | 273 870,10 | 320 000 |
| | | "ИЖ", д/р сиз | 127 380,70 | 160 000 |
| | | 1985 й. и/ч., "Уаз-396201", д/р 11 O 5451 | 233 486,20 | 280 000 |
| | | 1977 й. и/ч., "Газ-24", д/р 30 T 61 68 | 457 971 | 490 000 |
| | | 1987 й. и/ч., "Газ-2411", д/р 30 T 4652 | 354 827,5 | 390 000 |
| | | 1979 й. и/ч., "Уаз-452", д/р 11 B 6259 | 592 364,3 | 645 000 |
| | | 1977 й. и/ч., "Газ-24", д/р 11 W 6518 | 271 043,5 | 310 000 |
| | | 1977 й. и/ч., "Газ-2401", д/р 11 M 1943 | 560 911,9 | 615 000 |
| | | 1979 й. и/ч., "Уаз-451", д/р 30 Z 0473 | 1 061 226 | 1 145 000 |
| 15.01. 2013 | Зангиота тумани СИБ | 1982 й. и/ч., "Ваз-21061", д/р 01 R 461 JA | 4 555 000 | 4 900 000 |
| | Чилонзор тумани СИБ | 2011 й. и/ч., "Ласетти-CDX", д/р 10 K 636 DA | 44 500 000 | 47 200 000 |
| 21.01. 2013 | Зангиота тумани СИБ | 2007 й. и.ч "Нексия" д/р 30 T 9697 | 11 587 000 | 22 000 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1981 й. и.ч "Ваз 2106" д/р 20 U 147 AA | 1 628 842 | 1 850 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1978 й. и.ч "Ваз 2011" д/р 10 R 317 AE | 2 100 000 | 2 250 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

**Гувоҳнома № 004593.**

### "TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги: Тошкент вилояти Ангрен шаҳар СИБнинг 2013 йил 17 январаги 44, 41, 37 ва 39-сонли буюртманомаларига асосан Ангрен ШИИБ "Бўстон" майдонида сақланаётган 1. Бошланғич нархи – 5 411 310 сўм, 2001 йилда и.ч., д/р 30N6167 бўлган Тико русумли ва Ангрен ш., 29-автобаза майдонида сақланаётган 2. Бошланғич нархи – 5 269 334 сўм, 1976 йилда и.ч., д/р 11 О 9168 бўлган УАЗ-4696 русумли, 3. Бошланғич нархи – 21 874 000 сўм, 2011 йилда и.ч., д/р 10 R 705 EA бўлган SPARK русумли, 4. Бошланғич нархи – 2 924 682 сўм, 1985 йилда и.ч., д/р Т 8305 ТШ бўлган УАЗ-4696 русумли, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБнинг 2013 йил 18 январдаги 13/177-сонли буюртманомасига асосан бошланғич нархи – 3 443 325 сўм, 1983 йилда и.ч., д/р 11М4003 бўлган ВАЗ 2106 русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Юқоридаги мулклар бўйича аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 25 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБнинг 2013 йил 16 январдаги 18350-сонли буюртманомасига асосан такроран арзонлаштирилган бошланғич нархи – 11 897 100 сўм, 1987 йилда и.ч., д/р 8478 АТ бўлган MERCEDES BENZ русумли автотранспорт воситаси бўйича аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 8 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул килиш аукцион савдоси ўтказиладиган бир кун олдин тўхтатилади.

2013 йил 25 февралдаги аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 14 мартда, 2013 йил 8 февралдаги аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 25 февралда ўтказилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804941652002, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37.

**Гувоҳнома № 005424.**

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2012 йил 20 декабрдан 2013 йил 20 январгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 24.12. 2012 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.12. 2011й. № 35515/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, У. Маҳмудов кўчаси, 95-уй (умумий майдони 800 кв.м. ер майдонида жойлашган турар уйжойлар) | 41 250 000 | 44 750 000 |
| 26.12. 2012 | Юнусобод тумани СИБ | Юнусобод тумани СИБ томонидан 30.07.2010 й. № 23360/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 2-переулок, 88-90-уйда жойлашган соғломлаштириш ва кўнгилочар комплекси, сауна | 120 360 000 | 130 400 000 |
| 28.12. 2012 | Чирчиқ шаҳар СИБ | Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 5078-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Хайдаров кўчаси, 27-уй, 3-хонадон | 9 101 093 | 10 100 000 |
| 11.01. 2013 | Қуйи Чирчиқ тумани СИБ | Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 5853-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Тошлоқ қ.ф.й., А. Навоий даҳасида жойлашган АЁҚШ бино-иншоотлари | 10 780 000 | 11 550 000 |
| 15.01. 2013 | Чилонзор тумани СИБ | Чилонзор тумани СИБ томонидан 05.10.2012 й. № 1-2643/12-сонли ижро варақага асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қизил Шарқ мавзесида жойлашган 25-уй, 66-хонадон | 38 000 000 | 42 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

**Лицензия: RR-0052.**

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 1-уй, 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 50 449 695 сўм ва Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 88 299 588 сўм бўлган кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

**Лицензия: RR-0052.**

### "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 13.09.2012 йилдаги №2-93-12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Жамбул 4-тор кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий ер майдони 593,0 кв.м., фойдали майдони 101,93 кв.м. ва яшаш майдони 47,67 кв.м.дан иборат бўлган турар уйжой қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 225 952 000 сўм.

2. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 03.09.2009 йилдаги №11963/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 76-уйда жойлашган умумий майдони 116,0 кв.м.дан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 104 785 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 1 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 1 март куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 22 март куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан 12.10.2011 йилдаги №1-12718/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Бошланғич нархи – 62 500 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Б. Нозим кучаси, 40-А уйда жойлашган, умумий майдони 503 кв.м.дан иборат 1 қаватли омборхона биноси ("А" блок – 332 кв.м., "Б" блок – 181 кв.м.) кўчмас мулк, 2) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 13.07.2010 йилдаги №8739-45/22-сонли ижро ҳужжатига асосан, Бошланғич нархи – 69 375 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри Олмазор тумани, А. Қаҳҳор кўчаси, 16-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 199,38 кв.м., яшаш майдони 86,0 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йилнинг 8 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Аукцион савдолари юқорида кўрсатилган кунлар соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

**Лицензия: № 0039.**

## ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА




Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2013 йил 15 январда № 7/1834-сон билан қайта давлат рўйхатидан ўтган "BOBUR PLYUS TEKSTIL" МЧЖ (ИНН 302417238, ОКПО 24153240) таъсисчиларнинг 2013 йил 21 январдаги № 3-сонли қарорига асосан устав фондини 885 355 390 (саккиз юз саксон беш миллион уч юз эллик беш минг уч юз тўқсон) сўмдан 83 000 000 (саксон уч миллион) сўмга камайганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Оққўрғон шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 4-уйда қабул қлинади. Мурожаат учун телефонлар: (+99898) 809-06-38, (+99890) 981-59-59.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 29 октябрда 008292-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "UMR POYQADAM" МЧЖ (ИНН 207162438) устав фонди 387 000 000 сўмдан 280 000 000 сўмга камайтирилмоқда.

ООО "KO`RKAM-FAYZ" (ИНН 204650497), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Фархадская, дом 8, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 2 от 21.01.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 176-64-60.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 09.08.2006 йилда гувоҳнома рақами 002249 билан рўйхатдан ўтган (ИНН 206752273) "SAMIRA NET SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 30.09.2011 йилда гувоҳнома рақами № 1009014 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Ганиева Шафаат Эрматовна"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный аттестат O`R-A № 1497381 (регистр. № 27), выданный в 2004 году средней школой № 11 г. Алмалыка Ташкентской области на имя Ким Виктории Юрьевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом № 21526, выданный в 2009 году Академией МВД РУз на имя Джумагулова Жанзака Турсуновича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную гувохному № 006916, выданную хокимиятом Яккасарайского района 13.11.2012 году на ООО "INFRA NET ASIA",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ООО "BIZ VA DUNYO" (ИНН 203030723), зарегистрированное ИРСП хокимията Юкори Чирчикского района Ташкентской области реестр. № 1502/01 от 27.08.2009г. в соответствии с протоколом собрания учредителей от 16 января 2013 года **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по адресу: Ташкентская область, Юкори Чирчикский район, поселок Янгибазар, ул. Утешбекова, дом 18.

Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган Бодомзор, 3-уй, 40-хонадон манзилида жойлашган (СТИР 301098193) "INERT-INVEST" масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 906-51-17 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2012 йил 13 ноябрдаги 1104158 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Султонов Асроржон Собиржонович номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "NIZOMJON NIYOZXON BUSINESS", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента (реестр. № 008448-08 от 28.12.2012г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзар-20, «Катта хирмонтепа» махалля, ул. Заргарлик бекати мажмуаси, (ИНН 302447328), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

### Маданият

# МУНОЖАТ ЙЎЛЧИЕВА ЯНА ЕВРОПАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

**Истиқлол йилларида ўзбек санъати жаҳонни забт этишда давом этмоқда. Буни санъаткорларимизнинг дунё миқёсидаги кўплаб халқаро танловлардаги муваффақиятли иштирокида ҳам кўришимиз мумкин. Яқинда Бельгия Қироллигининг пойтахти Брюссель шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиеванинг яккахон концерти бўлиб ўтди.**



Маълумки, Брюссель ҳам Ўзбекистон каби кўп миллатли халқлар яшайдиган шаҳар ҳисобланади. Демак, Ғарбий Европанинг энг гўзал пойтахт шаҳарларидан саналган бу жойда турли маданият ўчоқлари доимо "қайнайди". Таниқли мақом ижрочисининг концерт дастурида ҳам санъатсевар миллат ва элат вакиллари иштирок этди. Европалик санъат мухлислари қалбини ўзбек мақомининг моҳирона ижроси яна бир бор забт эта олди.

Таъкидлаш жоизки, "Bozar Muzic" концерт саройида жаҳон мусиқа санъатининг кўплаб намояндалари ўз санъатини намойиш қилишган. Мутахассислар эътирофича эса, уларнинг ҳеч бири Муножат Йўлчиевадек тамошабинлар олқишига сазовор бўлмаган.

Мазкур концерт дастури Бельгиянинг етакчи маданият марказларидан бири "Art Center Bozar" томонидан ташкил этилган эди.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**"Туркистон-пресс".**

### Футбол

# ЁШЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

**Жорий йилда 20 ёшгача футболчилар ўртасида Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Санкт-Петербургда ўтказилаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубогининг чорак финалига йўлланма олди.**



Ёшларимиз дастлабки турда амалдаги чемпион – Россия ёшлар терма жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Владимир Козак ва Жамшид Искандаров рақиб дарвозасига киритилган голларнинг муаллифи бўлди.

Қозоғистонлик футболчиларга қарши ўтказилган иккинчи ўйинда истеъдодли футболчимиз Жамшид Искандаров беш нафар ҳимоячини алдаб ўтиб, учрашувдаги ягона тўпни киритди – 1:0.

Терма жамоамиз муддатидан олдин чорак финалга йўлланма олгани боис Қирғизистон ёшларига қарши ўтган учинчи тур учрашувида Аҳмаджон Мусаев асосан иккинчи таркиб футболчиларини синовдан ўтказди. Голларга бой баҳсда 2:2 ҳисоби қайд этилди. Ҳамюртларимизнинг голлари Ихтиёр Тошпўлатов ва Темур Ҳакимов ҳисобига ёзилди.

Чорак финал учрашувлари 23 январь куни ўтказилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Китоб жавонингизга

**"Мустақиллигимизга бағишланган шодиёналарда она Ватан қудрати ва меҳри қўшиқ оҳангида ҳар биримизнинг қалбимизга, шууримизга сингиб кетган Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг қуйидаги сатрлари беихтиёр ёдга тушаверади: "Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга, Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга...", "Бир бор назар солгин босган изингга сен, Шу саволни бериб кўргин ўзингга, Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?" Бу даъваткор сўзлар ҳар биримизнинг дилимизда доимо акс-садо бериб туриши зарур".**

# БИЗДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛСИН



Ушбу сатрларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Суннат Сайдалиевнинг "Кўнгил мулки устунлари" китобини мутолаа қилиш жараёнида ўқидик. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган ушбу китобга муаллифнинг очерклари, лавҳалари, "Биздан яхши ном, эзгу иш қолсин" сарлавҳали эссеси киритилган. Юқорида келтирилган сўзлар Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари, "Дўстлик" ордени нишондори Абдумалик Каримовга тегишли. Ана шу донгдор қишлоқ мулкдори эришиб келаётган муваффақиятлар, ислоҳотларни изчил татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, янада юқори кўрсаткичларга эришиш йўлидаги изланишлари ҳақида китобга киритилган лавҳада батафсил ҳикоя қилинган. Китобдаги очерклар, лавҳалар билан танишсангиз, замондошларимиз, шу жумладан, қибрайлик машҳур халқ селекционери Зайниддин Фахриддиновнинг цитрус мевачилиги анъаналарини садоқат билан давом эттираётган Муҳаммадазиз Фахриддинов сингари фидойи инсонларнинг мустақил Ватанимизни янада гуллатиб-яшнатиш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги салоҳиятини ошириш йўлида олиб бораётган кенг кўламли ишларидан воқиф бўласиз.

**Нилуфар ҲАМИДОВА,**
**ўқитувчи.**

# ЭНГ ЯХШИ ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

**Елисей шартномаси имзоланганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Германия Федератив Республикаси ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихоналари Тошкентдаги Гёте ҳамда Франция институти билан ҳамкорликда "Atelier Ludwigsburg-Paris" дастури битирувчиларининг энг яхши қисқа метражли фильмлар тўпламини тақдим этди.**

Таъкидлаш жоизки, "Atelier Ludwigsburg-Paris" европалик ёш режиссёрларга мўлжалланган бир йиллик ўқув дастури ҳисобланади. Людвигсбургдаги Баден-Вюртемберг кино академияси, Париждаги "Ла Фемис" Олий миллий мактаби ва Лондондаги Кино ва телевидение миллий мактаблари ўзаро ҳамкорликда ушбу дастурга асос солишган.

Дастур давомида кино ва телевидение соҳасининг таниқли вакиллари бутун Европадан ташриф буюрган 18 нафар иштирокчига маҳорат дарслари ўтишади. Ўқув дастури натижалари асосида эса иштирокчилар АРТЕ француз-немис телеканали ва СЦР немис телеканали билан ҳамкорликда қисқа метражли фильмларни суратга оладилар.

**"Туркистон-пресс".**

### Ҳаёт манзаралари

# АЙҒИР



Санобар шаҳарда ўсган. Тақдир тақозоси билан қишлоққа келин бўлиб тушди. Телевизорда, киноларда кўрган қишлоқ ҳаёти аввалига қизиқдек туюлди. Тонг саҳарда туриб, сигир соғаётган қайнона, кетмонини елкага ташлаб, далага отланган қайнота, қўйларини яйловга ҳайдаётган қайнилари ҳаракатини ҳаяжон билан кузатди, Нурбек акасининг муҳаббати билан маст, шаҳарда қолган ота-онасини ҳам кам эслайдиган бўлиб қолди. Қолаверса, соддагина қишлоқ аҳолисининг самимийлиги, меҳр-оқибати, "энг чиройли кеннойимиз" дея эркалашлари жуда ёқарди.

Уни ошхонага йўлатишмас, қош-киприкларинг куйиб қолмасин деб, ўчоқбошида ҳам қайнона куймаланарди. Ким билади дейсиз. Барибир кетадиган келин, биздан кўнгли қолмасин, дейишдими, ишқилиб, икки ойлик таътил бир зумда ўтиб кетгандек бўлди унга.

– Келинингни жуда эркалатиб юбординг-да, – деди бир куни опаси Ҳамидага. – Эрта-индин ўқишларини тугатиб келишса ҳам шу аҳвол давом этса, ўзингга қийин бўлади-я?!

– Ундай деманг, опа, аста-аста ўргатиб оларман. Ахир, шаҳарда, яна "дом"-да яшаган...

– Нима бўпти. Кўниксин! Келин деганни бошидан қўлга олмасанг, кейин кеч бўлиб қолмасин, дейманда.

Бу гаплардан кейин Санобарнинг саодатли кунларига чек қўйилди. Рўзғор ишлари деярли унинг зиммасига ортилди. Аммо, Санобар бўш келмади. Шаҳарликлар ҳам меҳнатдан қочмайдиган, иродали эканини исботлашни кўнглига тугиб қўйди.

Бир гал мол-ҳолга ем-хашак олиб келаман, деб тиззаси тилингач, Нурбек унга от минишни, арава ҳайдашни ўргатди. Унинг ишларига ҳамма ҳайрон. Баъзиларга ҳатто эриш туюлди.

– Ахир, ўзимизнинг қишлоқ қизлари ҳам от минмайди-ю, нега энди у минади?

Опасининг гаплари Ҳамидага таъсир қилмай қолмади. Ўғлини чақиб олди: "Сен минган отни хотининг минмасин. Менсимай қўяди".

Санобарнинг от устида елиб кетаётгани, қишлоқ йигитлари ортидан ағрайиб қараб қолаётганини эслаб, Нурбекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Шу топда амакисининг: "Хотининг худди айғирнинг ўзи-я, осмонга сапчийман дейди", деб кесатгани ҳам ёдига тушиб, дили хуфтон бўлди. Хотинига: "Сени айғир дейишяпти" деб пичинг қилди.

– Айғир деганлари нима ўзи, Нурбек ака? – деди Санобар ҳомуш тортиб. – Ёмон гапми?

– Э, сен тушунмайсан. Қўй энди. Шу отни минмасанг бўлмайдими?!

Эрининг ўкинч аралаш гапи уни сергаклантирди. Демак, аёл кишининг от миниши уят эканда... Ахир, Нурбек акасининг ўзи ўргатган эди-ку...

Тунов куни қайниси қўшнилари Маҳмуддан эҳтиёт бўлишини айтувдими? "Чиройли аёлларни яхши кўради, гап-сўзга қоласиз" деганмиди? Бирикки қўшни аёллар унга ёвқараш қилаётганлари бежиз эмас эканда?! Қизиқ, "шаҳарликларнинг хулқи бузук бўлади" деб ким айтган ўзи... Ёки бўлмаса ярашиғлик кийим кийиш, оро бериш ҳам айбмикан? Ё айғир деганлари шуни билдирармикан?

Санобар "айғир" деган сўзнинг маъносини кейинроқ тушунди...

Бир куни қайнотаси даладан одатдагидан эртароқ қайтди. Тушликдан кейин ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиб, энди хонасига дам олгани кирган Санобар кўзи илиниб, ухлаб қолган экан.

– Ҳой, ким бор? Тирик жон борми бу уйда?!

Ҳар сафар даладан ҳориб-чарчаб келганида, югуриб пешвоз чиқадиган келиндан дарак бўлмагач, қайнота овозини баландлатди. Келин шоша-пиша бошига рўмолини танғиб, ҳовлига чиқди.

– Нурбек уйдами, келин? – деди ота сал шаштидан тушиб, ҳомиладор келинини безовта қилиб қўйганидан оғринди чоғи. – Анави айғиримизни нўхталаб қўйсин девдим, бўй бермай қўйди. Ҳеч кимни яқинига йўлатмайди...

– Нега ота, уни қўшнимиз Маҳмуд миниб кўрдим, ювошгина экан, деди-ю.

Ўғли Нурбекнинг сўзларини эшитган ота ялт этиб ортига қаради. Нурбек эндигина ишдан қайтгани учун ортиқча сўз демади. Лекин, Маҳмудга учрашиш учун қўшнисиникига қараб юрди.

Аслида аёлларга суяги йўқ, беор, хотинидан баттар жанжалкаш Маҳмудни кўришга тоқати йўқ эди Анормат отанинг. Аммо айғирингни миниб кўрдим дея кариллаши ориятини қўзғаган: "Рост бўлса ўз кўзим билан кўрай, бўлмаса тавбасига таянсин" деган ўй хаёлидан кетмасди...

Эшикни Маҳмуднинг хотини Норгул сатанг очди. Оппоқ баданларини кўз-кўз қилиб, футболка кийиб олган Норгулни кўриб энсаси қотди.

– Ҳа, келин, бирор ёққа отландиларми, тўй-пўй борми, ё?

– Йўғ-э, нега ундай дейсиз? Чиройли кийиниш айбми, ўзингизнинг келинингиз ҳам юрибди-ку, шим кийиб...

– Сени онанг гапга туққанми дейман...

Аслида, Санобарга: "Буларга бўш келма, худди бошингга чиқиб олишади" деб ўргатган ҳам ўзи эди-я. Лекин, "кечувда от алмаштириб" кетиш Норгулга чўт эмас. Шунинг учун темирни қизиғида босиб қолди:

– Ҳар ҳолда мен от миниб, эркакларнинг ҳамиятига тегмайман...

– Э, сендақа беҳаёни, – деди ўзича Анормат ота ижирғаниб. – Сенга Ўзи бас келмаса...

Шу пайт орқа эшикдан Маҳмуд кириб келди.

– Ўв, сатанг, – деди у хотинига нафрат билан. – Молга ем бердингми?

– Ордона қолсин ўша мол-ҳолингиз. Нега ўшқирасиз? Ё от минганлар ҳушингизни олдими?

– Эй, намунча дилозор бу хотининг?!

Маҳмуд ҳовли четидаги тутга отини боғлаётган Анормат отани энди пайқади.

– Э, нима ишингиз бор? – деди у дағдаға билан. – Нега айғирингизни менинг ҳовлимга боғляпсиз?

– Нимасини айтасан, ҳеч кучим етмаяпти бу жониворга. Нурбегим: "Айғирни Маҳмуд акам миниб кўрибди, бошқага бўй бермаяпти" девди. Шунга...

– Э, нимаси бор от минишни! Менга ҳеч қандай айғир-пайғир чўт эмас. Тилини билиш керак...

– Йўғ-э. Ҳеч кимни яқинига йўлатмаяпти-ю?! Бўлмаса, қулунлигидан боқиб келаяпман-а...

– Асов отни жиловлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да, ота.

– Ишқилиб, қўлингдан келган экан, сенга олиб кирдим. Қани, ҳунарингни бир кўриб қўяй...

Кўп ўтмай, Маҳмуднинг ҳовлисидан чиққан қаттиқ ўкириқни деярли бутун қишлоқ эшитди. Анормат ота девор-дармиён қўшнисиникига ҳаллослаб кирди-ю, даҳшатдан жойида қотиб қолди: тут тагида қонига беланган Маҳмуд ётар, ҳовлининг қоқ ўртасида айғир пишқираб турар, девор тагида қўрқувдан дағ-дағ титраб Норгул ўтирарди...

**Сайёра РИХСИЕВА.**

### Нигоҳ

# БИРДА ТОШҚИН, БИРДА ҚУРҒОҚЧИЛИК

**Ер юзида одамзот пайдо бўлибдики, у табиатни жиловлашга уриниб келади. Чунки, ўжар табиатнинг кутилмаган кўп инжиқликларини бошдан кечирган, азобини тотиган. Бу даҳшатли инжиқликларни енгиб ўтиш учун оловни ихтиро қилди, ғорни тарк этиб, тошдан қурилган уйларга кўчиб ўтди.**

**Уринишлар жараёнида маълум бўлдики, хавфсиз, қулай ва хотиржам ҳаётга интилишнинг йўллари кўп ва ранг-баранг экан. Қирғизистонда бу жараён тўхтаб қолди ва юмалоқ калава мисол, орқага – илк аждодларимиз бўлмиш Одам Ато ва Момо Ҳаволар ҳаёт тарзи томон чувалиб бораяпти.**



Аниқроқ қилиб айтганда, Қирғизистондаги ҳаёт бутунлай табиат ҳукмига ташлаб қўйилган. Мамлакат ҳар тарафда ёйилган чала-ярим очилган конлар, нураб, тўкилиб бораётган сув омборлари тўғонлари, турли заҳарли чиқиндилар кўмилган ярим очиқ мозорлар, қулаб тушай деб турган хароба уй-жойлар қоришмасини эслатади. Қай томонга қараманг, ҳамма жойда инсон фаолиятининг бетартиб, тугалланмаган изларига кўзингиз тушиб, кўнглингиз хира тортади, дилингиз оғрийди.

Афтидан, ҳукумат кейинги йиллардаги гоҳ маҳаллий инқилобларни ташкил этиш, гоҳ уларни бостириш билан қаттиқ банд бўлган кўринади. Шу боис экологик вазиятга қарашга вақти бўлмаган ва юмалоқ калава бир неча ўн йилдан бери орт томон чуваланишда давом этаяпти.

Кейинги 30 йилдан буён Ер сайёрасидаги ҳамма эколог-мутахассислар глобал исиш бошлангани ҳақида бутун оламга бонг уришяпти. Қирғизистон раҳбарлари кетма-кет намойишлар ва тўпланган аҳолини тарқатиб юбориш билан овора бўлиб юриб, эшитсаларки, Орол денгизи қуриётган экан, мамлакатдаги музликлар 28 фоизга, уларнинг майдони эса ҳатто 40 фоизга қисқарипти. Бироқ, намойишчилар отган тошлардан деразалар чил-чил синиб турганда, музликлар кимнинг ҳам эсига келарди. Тўс-тўполонлар ўртасида бўлиб турадиган навбатдаги сокинлик ўлганлар, яраланганлар ва ижтимоий-иқтисодий вайронгарчиликлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари хабар етказдики, ер қатламлари ва артезиан сувлар захираси 43 фоизга камайиб кетибди.

Беш миллионли Қирғизистон аҳолисининг 90 фоизи ҳам ичимлик, ҳам экин майдонларини суғориш учун артезианлардан фойдаланади. Ер ости сувларининг камайгани республика аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашда ҳозирданоқ жиддий муаммолар туғдирмоқда.

Чет элларнинг инсофдиёнатли экология жонкуярлари Қирғизистоннинг янги ҳукуматига қуйидаги мазмунда маълумотнома юборишяпти: "Мамлакатдаги ички сувлар ҳудуди таҳликали ҳолда қисқараяпти. Қурғоқчил келган йиллар дарё сувлари камайишига ва шунинг оқибатида сув омборлари сатҳи пасайишига сабаб бўлди. Қирғизистон ҳудудида ҳосил бўладиган трансчегара дарёлари кўпмиллионли минтақани сув билан таъминлайди. Шу боис зудлик билан мақбул чоралар кўриш ва ирригация ҳолатини яхшилаш, томчилатиб суғориш усулини жорий этиш, тўғонларни мустаҳкамлаш зарур".

Экологик ҳамда халқ хўжалиги муаммолари ҳал этилмаяпти. Тинимсиз кучли жалалар туфайли таҳликали вазият вужудга келди. Йирик электр станцияларидаги тўғонлар эскириб кетди. Узоқ йиллардан бери улар таъмирланмади, тозаланмади. Сув сатҳининг кўтарилиши ортиқча сувларни электр блоклар ташқарисидан чиқариб юборишга мажбур қилаяпти. Бу эса ўз навбатида фойдаланишда бўлган сув омборларининг тошиб кетиш хавфини кучайтириб, техноген ҳолатлар хатарини янада оширмоқда.

Қурғоқчилик ва сув ресурслари камайиши сабабли дарё қирғоқлари ҳамда ирригация тизимини мустаҳкамлашга оид ҳеч қандай иш қилинмади. Шунинг оқибатида, айниқса, олис паст текисликлардаги уй-жойлар сув остида қолиб кетди. Энди юқори кабинет хўжайинига бутун бошли қишлоқларни ўз домига тортиб кетаётган кўчкилар ҳақида ҳар куни аянчли хабарлар келиб турибди.

Қирғизистон раҳбарлари қандай чоралар қўллашини вақт кўрсатади. Ҳозирча эса, унинг столида маҳаллий экологларнинг мамлакат ҳудудидаги радиоактив чиқиндилар қабристонини реаблитация қилиш ҳақидаги ўтинчли илтимосномаларини чанг босиб ётибди. Бу чиқиндиларни ёғинлар ювиб юбораётгани оқибатида Мойлисой, Қораболта шаҳарлари, Кажисой, Мингқуш, Шакафтар, Қизилжар шаҳарчаларининг қарийб 6 минг гектар ери ифлосланган. Олимлар Сумсар, Айдаркон, Қадамжо, Оқтуз, Чабой аҳоли пунктлари ҳудудида ишлаб турган рангли металлургия корхоналарига қарашли чиқиндилар қабристонини консервация қилиб, экологик ҳалокатнинг олдини олишни илтимос қилаяптилар. Бу чиқиндилар намлик, кислород ва бактерияли фаол жисмлар билан қоришиб, тупроқни, омон қолган ер усти ва ер ости сувларини ифлослантирмоқда.

Умид қиламизки, Қирғизистон раҳбарияти, ниҳоят, тобора ёмонлашиб бораётган экологик вазият аянчли оқибатларга олиб келмасдан бурун юмалоқ калаванинг йўналишини ўзгартириб, қирғиз халқи учун хавфсиз, қулай ва хотиржам ҳаёт томон йўналтирадилар. Ҳа, деразаларга навбатдаги тош отишлар бошланмасдан бурун.

**Вадим НУРЛАНОВ.**
**www.centrasia.ru.**

### Рассом хандаси




*– Аҳмоқларгина ресторанга боради. Тоза ҳавода маишат қилишга нима етсин?!*

### Бу қизиқ

# МАХСУС ПОЙАБЗАЛ




Хорижий машҳур фирма XX асрнинг энг гўзал аёли деб тан олинган Мэрилин Монро шарафига махсус пойабзал ишлаб чиқарди. Мутахассис-дизайнерлар фикрича, оёқ кийимининг пошна томонига ўрнатилган ажойиб ялтироқ тошча... гўзаллик қироличасининг юзидаги холни эслатади.

Олинган андоза қанчалик ўхшашлигини билмадик-ку, бундай туфлини кийишни хоҳловчи тақлидчи-аёллар кўплаб топилишига шубҳа йўқ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6242. Адади 16680. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.